УŒЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМЛИ САМАРККАНД ДАВЛАТ МЕЪМОРЧИЛИК ВА КУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Н. Т.СУЛТОНОВ., Э. М. МУХАММАДИЕВ

# МЕЪМОРЧИЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА КАЛАМТАСВИР ФАНИДАН УСЛУБИЙ КУЛЛАНМА

САМАРКАНД - 2004.

# СУЗ БОШИ

Халкимизнинг кундан-кунга ортиб бораётган ижтимоий, маданий ва маънавий-эстетик талаблари олий билимгохлар олдига меъморлар тайёрлаш сифатини ошириш каби мухим масалани куймокда.

Меъморчилик комплекс илм булиб, у икки асосий йуналишни узаро бирлаштиради, улар мантикийлик ва бадииётлиликдир. Шунинг учун хам соханинг тарихига назар ташланса, утмишдаги машхур меъморлар ижтимоий, илмий, техник ва юкори бадиий маданиятга эга булган мусаввирлар булганликларини куриш мумкин.

Шунга кура, меъморларнинг бадиий даражасини ошириш, тасвирий махоратини ва ижодий потенциалини ривожлантириш масалалари алохида долзарблик касб этади.

Ушбу китобда муаллифлар эътиборини каламтасвир сирларини урганишнинг илмий асослари масалалари, аввalамбор, перспектив ва анатомия, чизикли конструктивлилик пластикаси хамда ёруглик ва соялар бирлиги, кабиларга жалб килади. Лекин бу масалалар меъмор фаолиятида узига хос йусинда, яъни образлилик, куриш услубининг узига хослик жихатларида содир булади. Уз даврида италиялик меъмор Л. Б. Альберти айнан шу масалага эътиборни каратиб:

“Мен хар бир санъат ва фанда кандайдир табиийлик манбаси борлигини, унинг максад ва услубларини астойдил узида œзлаштира олган хар бир киши уз фикрини, мулжалини аъло даражада амалга ошира олади;“ деб таъкидлаган эди.

Бу холат тасвирий санъат турлари ходимлари хар бирининг ижодининг хусусий булишини такозо килади. Муаллифларни кизиктирган ана шу масалалар уларни ихтисослари бир-бирига якин Олий œкув юртларининг тажрибалари буйича материаллар туплашга ва уларни тадкик килишга чорлади.

Назарий изланишларда меъморчилик тасвирий тили муаммоси биринчи уринга чикиб, у инсонлар аро мулокот, информацияларни узатиш ва жамоани муайян гоявий йуналишда тарбиялаш хамда улар онгига юксак бадиий маданиятни сингдириш воситасига айланмокда.

Шунга кура, бугунги кунда меъморларнинг тасвирий малакаларини ошириш, мухим муаммо сифатида юзага келди. Бу масала республикамизнинг барча олий укув юртларида жойларнинг шарт-шароитига кура комплексли хал килинишини такозо килади.

# “МЕЪМОРЧИЛИК” МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА КАЛАМТАСВИР ФАНИДАН КУЛЛАНМА

Ушбу кулланма “Меъморчилик” мутахассислар тайёрлашда талабаларни каламтасвир тахсили ва рассомчилик бадииётининг асосий тушунчалари билан таништиради хамда уларнинг тахсил олишларида дастурий кулланма тарзда хизмат килади.

Кулланма “Меъморчилик” ихтисослигининг асоси булган “Иншоот лойихалаштириш” курси талаблари кузда тутилади хамда мусаввирчилик бадииёти туркумидаги фанлар билан узаро богликлик жараёнлари алохида изохланади.

Укув кулланмасининг структураси ва мазмуни куйидаги асосий кисмларга булинади:

1. Меъморчилик таълимотида бадиий тасвирчилик саводи тарихига оид кискача маълумот.
2. Меъморчилик олий укув юртларида каламтасвир тахсилининг максадлари.
3. Укув режасига эътиборан, расм тахсилини дастурлаш тартиблари.
4. Укув топширикларининг мазмуни ва услубий йуналиши.
5. Машгулотлар утказиладиган хоналарни жихозлаш буйича таклиф ва тавсиялар.

Кулланманинг яна бир афзаллик томони шундаки, меъморчиликдаги каламтасвирнинг роли нафакат назарий жихатдан талкин килиниб, балким унинг дастурий йуналишининг боскичма-боскич курилиши иллюстратив материаллар билан бойитиб берилган.

“Кулланманинг меъморчилик тарихига оид кисмида Россия меъморчилигининг дастлабки шаклланиш даври алохида ёритил ган. Чунки Петр I нинг шиддаткорона реформалари рус жамияти хаётида, унинг маданияти ривожланишида катта прогрессив рол уйнаши билан бирга рус маданиятини умумеврописа маданияти йуналиши томонига буриб юборган эди. Россия меъморчилиги ривожланишига уша даврдаги фан, техниканинг ривожланиши, тасвирий санъатга талабнинг ошиши каби омиллар сабаб булиши билан бирга, 1758 йилга Петербургда очилган Бадииёт Академияси рус меъморчилигининг юкори погоналарга кутарилишига, куплаб етук меъморлар етишиб чикишига энг мухими рус меъморчилиги мактабининг юзага келишига асосий сабаб булди.. Собик Совет меъморчилиги мактаби бевосита ана шу маданий манба асосида курилган эди. Собик Совет Иттифоки худудидаги барча республикаларда мавжуд булган меъморчиликкурилиш олий укув юртларидаги меъморий тахсил ишлари дастурий жихатларининг хилма-хил булишига карамасдан, бадииёт жихатидан бир-бирига якиндир.

Ана шунинг учун меъморчилик назарияси ва амалиётининг ривожланишидаги дастлабки боскичлардан бехабар була туриб, унинг кейинги ривожи хамда миллий меъморчиликнинг келажагини тасаввур килиш кийин. Бизнинг (фикрлашимизча) ушбу кулланма амалий тахсил ишларидан ташкари меъморчилик факультетларининг расм тахсилини илмий асосда узвий олиб бориш, дастур тузиш каби ишларида хам асос булиши мумкин.

# МУСАВВИРЛИК ТАЪЛИМОТИ БЕРИШ ТАЖРИБАЛАРИ

XI асргача меъморларга мусаввирлик таълимоти бериш тажриба сифатида амалга оширилган бундай тажрибани меъморчилик таълимоти тизими ёки мактаби деб аташ мумкин булмасада, келажакда меъморчиликнинг лойихалаш ишларини аник тизимга тушишида таянч булиб хизмат килган.

Узок утмишда мутахассислар тайёрлаш табиий тарзда авлоддан-авлодга утиб, улар тажрибаларини ривожлантириш асосида амалга оширилган.

Шарк улкаларида, хусусан, Урта Осиё худудида шу хилда меъморлар етиштириш услуби анча узок, давомли тусга эга эди. Бу ерда хунармандчилик бадииётини урганиш диний факторларга боглик булиб, якка холда амалга оширилар эди. Бу хол албатта, меъморларнинг шаклланишини кийинлаштирар эди. Ана шу холни исботловчи тарихий далил сифатида устоз ва шогирд уртасида тузилган шартномалар сакланиб колган. Рисола шартига кура устоз томонидан шогирдига корхонадаги асбоб-ускуналар ва жихозларга нисбатан хурматда, тежамкор муносабатда булиши сингдирилиши, шунингдек, шогирдга корхонани, ховли ва уй хоналарини тоза тутиш вазифалари юкланиши керак эди. Шундай килиб, ёш шогирд хизматкор булиб юриб, таълимот вазифаларига алокасиз ишларни хам бажаришга мажбур эди.

Устоз шогирдни хунармандчилик ишларига ургатиши билан бирга унинг хулк-атвори, тарбиясини хам уз зиммасига олар эди. Бундай хол устозларнинг бевосита касб-хунар ургатишдан ташкари уз васийликларидаги успирин онгини ва хаётий тажрибасининг хар томонлама шаклланишига хам гамхурлик килганликларидан далолат беради. Устоз шогирдидан рисоланинг шу корхонага таалукли коида-тартиботлар ва таомилларни билишини талаб килиш кисмини ёдлаб олмагунча уни ишга киритмасликка хакли эди.

Жорий килинган бундай тартиб талабанинг шахсий хаётига хам дахлдор эди. Таълим беришнинг бундай усули Урта Осиёнинг купгина вилоятларида, хусусан Самарканд ва Бухорода учрар эди.

Италиянинг Уйгониш давридаёк каламтасвир тасвирий санъатнинг барча турлари учун асосий саналар эди. Уша даврга мансуб хар хил трактатлар ва кулланмалар муаллифлари каламтасвирнинг меъморчиликдаги мохиятига алохида ургу бериб утиришмас эдилар.

Россия Петр I даври рус меъморлари фаолиятида мерос булган кургазмалик урганиш ва хунар сирларини устоз томонидан шогирдга ургатилиши катта ахамиятга эга булган. Петр I нинг Россияда утказган реформалари рус меъморчилигини хам четлаб утмади.

Рус давлати хукмдорининг таклифига кура чет эл меъморларининг лойихалаштириш методлари кенг жорий килинди. Бу усуллар рус меъморчилик услубларидан тубдан фарк килар эди.

Ана шу илк давр рус меъмори  И. П. Зурудныйнинг ижоди аъло даражада намоён булди. Меъморнинг сакланиб колган хомаки каламтасвирлари бу сохада ижоди ролини тугри тушуна олганлиги ва унинг юкори маданият сохиби булганлигидан далолат беради. (I-Расм ).

1710 йилда йирик иншоотлар устида ишлаш учун хориждан Россияга энг машхур меъморлар таклиф килинган эди. Уларнинг уша даврдаги каламтасвир ва лойихалари меъморларнинг тасвирий тажрибаларида янгилик  булган эди. Булар орасида Н. Макетти, Т. Киавери, Д. Теризинигор бор эди.

Гарбий Европа XVIII аср бошларидаги рус меъморчилигига катта таъсир курсатди. Классик давр ва  халк  меъморчилигининг улкан тажрибаларини чукур урганиш ва узлаштириш бунинг асосини ташкил килган эди. Улар иншоотларни лойихалаштириш  ишларидаги тасвирлаш махорати мохиятларини тула идрок килган холда бажарилар эди. Ана  шу даврда Петр I нинг ташаббуси билан Петербург босмахонаси кошида илк бор махсус мактаб очилган ва рассомлар бу ерда ялангоч натуралар чизишар эдилар.

Рус халкининг умумий маданиятини кутариш максадида  Петр I чет эл адабиётларини таржима килишни буюрганлиги маълум.  Петербург босмахоналари купинча шу ишлар билан банд эди.

Миллий кадрлар тайёрлаш максадида  Петр I куплаб ёшларни чет элларга юборар эди. Булар орасида А.И. Никитин  ва А. Матвеев  кабиларнинг номлари  маълум. Петергоф курилишида подшонинг узи курувчиларга уз мулохазаларини каламтасвир оркали тушунтирар эди. У хатто  Шхонибек расм машгулотларига катнашиш учун вакт топар эди. Петр I Россияда мусаввирлик академиясини очишни орзу килган эди. Аммо уни амалга оширишга муяссар булмади. Унинг бу максади  1757 йилдагина амалга ошган эди.

Мусаввирлик академияси кошида рангтасвир ва хайкалтарошлик булимлари каторида меъморчилик факультети хам ташкил килинган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияда тасвирий санъат таълимоти гуркираб ривожланиб ва такомиллашиш даври бошланди. Меъморчилик эса санъатнинг бошка турлари билан чамбарчас боглик эди. Санъатдаги ана шу œзаро алокадорлик принципи ёш меъморларга мусаввирлик бадииётидан таълим бериш учун соглом асос бœлди.

XVIII асрнинг урталарига келиб меъморчилик графикаси сохасида катта узгаришлар содир булди. Преспектив тасвирлаш услуби амалда куллана бошланди. Меъморлар шахар курилиши муаммолари билан кизика бошлайдилар. Энди меъморларни майиший жойларлар ёки алохида иншоотлар фасадигина кизиктириб колмасдан, уларни бир-бирига боглаш, бутун бир шахар ансамбли, парклар шахар ташкарисида курилган атрофи куркамлаштирилган хашаматли саройлар хам кизиктира бошлайди. Мураккаб манзарали мужассамлашган комплексларни каламга олиш ва уларнинг табиий мухит билан богликлигини акс эттириш учун янгича графика услубида ифодалаш воситаси керак эди. Меъморлар перспектива илмининг энг янги ютукларидан

фойдаланар эдилар. Манзара чизишда куп тархли шахар куринишларини янгилик ва аниклик билан когозда тасвирлаш учун янги механизмлар пухта уйланган мосламалар ихтиро килина бошланди.

Масалан XVIII аср иккинчи ярмида Россиялик энг нуфузли гравюрачи М.И.Михаев шахарнинг мураккаб манзараларини тасвирлашда камераобскурадан фойдаланган. (4,5-расм).

Шу даврда меъморлар графикасида иншоотларни тасвирлашда композициянинг янги усуллари юзага кела бошлади .

Инсон кузининг реал куриш сатхи урнига, меъморчилик обектлари ва манзараларини янги кузатиш нуктаси, “Куш парвози” (аксонометрик) сатхидан кура бошланди.

Ана шунга кура меъмор кандайдир бушликка интилиб ,курилмаларга кузатувчилар назари билан караб, уни узгача куринишга кучира бошлайди. Биноларнинг факат фасадларини тасвирлаш уз урнини перспектив куринишлар, уларнинг бир жойда гуж жойлашувига бушатиб берди.

Машхур меъморлардан бири Варфоломей Растрелли ижодининг узига хослиги композиция услубларининг пластик нозиклиги ва фикрининг кенглиги билан ажралиб турарди. Жило берилган меъморий кисмлар шакллари иншоот хажм ва макон ташкиллашувининг ёркинлиги, кисмларнинг юкори нафислиги, 1750 йиллар охирларида рус бароккосининг юксалганлигидан далолат беради. Тасвирий санъатлар синтези унинг иншоотларида мужассамлашган булиб, уларнинг умумлашганлигида ва булакларнинг монандлигида уз аксини топган. Унинг каламтасвир ва кораламалари (эрмитаж хоналарини безаш учун) (6-расм) муаллиф фикрининг такомиллашишида тасвирий санъатнинг роли юксак эканлигини намойиш этди. Анча кейинги даврга мансуб меъмор Василий Баженов ижоди кескин зиддиятли булиб тасвирий мотивларининг асоси рус классицизми билан богликдир. Унинг интеръер ва экстеръерларига хос жиддийлик, формаларининг мукаммаллиги, декоратив-тасвирий имкониятлардан дид билан фойдаланилганлиги, накшин безаклари, барельефлар ва хоказолар бунга мисол була олади (7-расм)

Шундай килиб, янгидан юзага келган меъморий мухитлар тасвирлашнинг хилма-хил метод ва усуллари, меъморларнинг лойихалаштириш ишларида жуда кул келди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми Россия тасвирий ижод маданиятининг кизгин юксалиш даври булди. Рассомлар академиясидаги ана шундай юксалиш каламтасвир, рангтасвир ва композиция машгулотларидан сабок берган Антон Павлович Лосенко номи билан боглик булиб, у чет эллик рассомлар ютукларини узида такомиллаштирган эди ( Италия,Франция) .

У сенат кошида уз мулохазаларини жушкинлик билан химоя килар, Прейслер ишлаб чиккан метод принципларининг нотугри эканлигини исботлар эди. Узи эса инсон кадди тузилишининг янги методик кулланмасини ишлаб чикди (8-расм). А.П. Лосенконинг рассомчиликда график услубларининг

ривожланишига таъсирини XVIII аср охири рассомлари ва меъморлари ишларида куриш мумкин. Айникса унинг таълимотлари К.И.Росси, А.Д.Захаров, М.Д.Казаковларнинг ижодий фаолиятларида ёркин намоён булган (9-расм).

Уша даврда график тасвирлар сифатининг яхшиланишига бир тарафдан ривожланаётган аник фанлар булса, (чизма геометрия, перспектива ва хоказо), иккинчи томондан эса рангтасвир графика сохаларидаги санъат ютуклари катта таъсир курсатган. Ана шу факторлар бир-бирларини тулдириб, меъморий графикани бойитди ва ривожлантирди. Уша давр талаба-архитекторлари куп киррали мутахассис мусаввирлар билан ёнма-ён ишлаб узларининг бадиий маданиятларини ривожлантитриш билан бирга, техник ва эстетик ютукларни хам кулга киритар эдилар. Уша даврда А.П. Лосенко, В.К. Шевуев ва бошкаларнинг ишларидан ташкари Россияда янги методик йулланмалар юзага кела бошлади. Улар Италиянинг уйгониш даври мусаввирлари Микеланджело, Дюрер, Вазаре ва бошкаларнинг мулохаза ва фикрларига асосланган эдилар. Уларнинг маслахатлари аввало, ранг тасвирчиларга йулланар эди.

Меъморлар эса каламтасвир мохиятини нур тушиш, перспектив курилишнинг конун коидаларига амал килган холда, хар хил холатдаги меъморий иншоотларни тасвирлашда (Гонзаго) куришди. Баъзан улар уз меъморий асарларини жонли табиат манзаралари сифатида жилоли* акс эттирар эдилар.

XIX аср бошларида Россияда расмдан янги кулланмалар пайдо була бошлади. Уларнинг муаллифлари мусаввирлар ва меъморлар учун хилма-хил объектлар расмини чизиш методикасини ишлаб чикарган эдилар. Кулланмаларда бу атроф мухитга богликлигига алохида эътибор берар эдилар. Улар ландшафтлар, бинолар ва хоказолар объектларнинг тасвирлаш усуллари курсатма ва тавсиянома сифатида берилар эди:

“Меъморий объектларни чизишдан максад жисмнинг хар бир кисми масофасини куз билан тахминий аниклай олишдан иборат”

Шунингдек ландшафтлар кисмларини масофада ва кенгликда узаро нисбий жойлашувини тасвирлаш учун уни шартли планларга булиб ишлаш тавсия килинади: “Энг маъкул усул шу хисобланадики, юкори уринни танлаб, энг якин жисмларни кузатиш ва куриш максадида уларнинг бошкаларидан баландлигини акс эттириш, узокдагиларини эса то уфк чизигига тенглашгунга кадар тушираверишлозим. Хамма жисмлар узоклашувига кура, улчамлар нисбийлиги кузда тутилган холда кичиклаштирилиши лозим.”

Шундай килиб, каламтасвир методикаси конкретлаша бошлаган айни пайитда фан ва курилиш техникаси ривожланишининг янги йœллари хам намоён була бошлади. Шу давр академияси таълимотида увражларини* улаш усулидан фойдаланилган. Бу эса меъморларни композицияни идрок

килиш ва уни бушлик ичида тасаввур килиш масалаларидан чалгитиб, каламтасвир методикаси таълимотига салбий таъсир килмай колмас эди.

Юкорида кайд килинганидек XIX асрнинг охири ва XXаср бошларида аник фаннинг ривожланиши график тасвирлашнинг мукаммаллашувига катта таъсир курсатди.

Меъморий каламтасвир бœйича куплаб кулланмалар пайдо булди. Масалан Г.Мондефнинг “Перспектив эскизлаштириш“, В.А.Косяковнинг “Меъморий мотивлар”, В.Н.Поясицкийнинг “Меъморийлик назариясининг санъатга œхшашлиги”, А.П.Баринниковнинг “Меъморчиликда композиция” ва бошкалар шулар жумласидандир. Бундай кулланмаларни нашр этишдан максад меъморларга ёрдам бериш, уларнинг мотив ечинмаларини енгиллаштиришдан иборат эди. Ана шу даврда Россиянинг хамма умумий таълим мактабларида расм дарси методикасига катта ахамият берилар эди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида меъморчилик мактабига асос солинган пайтларда меъморчилик графикаси ривожланишининг амалиёт томонларига катта ахамият берила бошланди .

Меъморий тасвирларда перспектив курилиш принциплари урганила бошланди. Ана шу муносабат билан айрим меъморлар ижодига багишланган маколаларда меъморий мавзулар устида ишлашда каламтасвирнинг роли, муаммолари уртага куйилган эди. Масалан, Г.Лукомскийнинг И.А.Фомин офортлари хакидаги маколаси фикримизга мисол була олади. Н.Фоминнинг фикрича меъмор уз фикрини бадиий жихатдан дурустрок ёритиш максадидагина офорт усулга утади. Н.А.Фоминнинг меъмор сифатида офорт усулига утиши факатгина уз фикрини бадиий жихатидан дурустрок ёритиш максадидагина холос,эди. Бу эса баъзиларнинг сув буёк ва кумир каламда ишланган эскизларга монанддир.

У яратган офортлар унинг каламтасвир графикаси санъатини юксак тушунишидан дарак беради. Унинг эстамплари, композицияларида иншоотзозлик хакидаги билими юкорилиги ва тушунчаларининг кенглиги яккол намоён булган. Булар уз-узидан унинг меъморий гоялари пластик ечимларининг такомиллашувига имкон яратган (10-расм).

Уша даврда академик В.А.Шчуко ва меъмор С.В.Ноаковскийлар етук каламтасвир усталари эдилар. Уларнинг каламтасвирларида услубининг узига хослиги ва меъморчилик касбидаги тасвирий махоратларининг юкори даражада эканлиги куриниб турар эди. В.А.Шчуко томонидан бажарилган “Афина Акраполи” каламтасвирларида (II-расм) иморат конструкцияси ва унинг материали хам аник ифодаланган. С.Н.Ноаковский каламтасвирларида хам ана шундай махоратини куриш мумкин. Унинг меъморий каламтасвири услубининг узига хослиги шундаки, (12-расм) унинг бир текисда ритмик равшда берилган штрихлари акс эттирилаётган ёгоч иморат курилмалари структурасининг характеридан келиб чиккан Унинг каламтасвирлари асоси-

ни иншоот шаклларини кур-курона кучириш эмас, балки хар хил услубларнинг узига хос ечинмалари ташкил килади.

XX аср бошларида меъморий таълимотни янада яхшилаш талаби юзага кела бошолади. Шунинг учун хам талабалардан уларнинг график махоратини ошириб, каламтасвир устида ишлаш хамда меъморий графиканинг специфик (узига хос) томонларини урганиш талаб килинар эди. Чизмачилик ва моделлаштириш бœйича муттасил утказиб туриладиган конкурслар хам мусаввирлик бадииётининг ривожига янада купрок кумак бера бошлади.

1932 йилгача каламтасвир методикаси ута соддалаштирилишга эришилди. Баъзан бу хол формал безакбозликка (эффектга) интилиш натижасида купгина талабаларнинг атроф мухитни озгина булса хам тугри тасвирлаш махоратидан махрум булишга олиб келди. 1932 йилда кабул килинган карорда мусаввирлик олий мактаби олдига аник талаблар шунингдек меъморларнинг билим даражасини ошириш масаласи куйилди.

Шуни кайд этиш керакки, ана шу пайтга келиб бутун мамлакат буйлаб мусаввирчилик таълимоти бериш жуда кийинлашди. Чунки бу даврда санъатда талабалар кур-курона таклид кила бошлаган куплаб окимлар мавжуд эди. Шунга кура санъат мактаблари оддий тасвир масалаларини еча олиши кийинлашган эди.

Кейинчалик ёш талабалар савияларининг шаклланишига каламтасвир ролини хар хил тушунадиган таникли меъморлар ва мусаввир-педагогларнинг ижодий фаолиятлари катта таъсир курсатди. Шунга кура умуман меъмор таълимоти муаммоларига катта кизикиш уйготди. Шунингдек меъморчилик махорати ургатишнинг асосий элементлари сифатида меъморчилик графикаси ва каламтасвирнинг роли масаласи юзага келди. Меъморчилик олий укув юртларидаги каламтасвир таълимоти масалалари хам баъзи бир меъморлар ва педагогларнинг ишлари ёки мулохазаларига таяна бошлади. Бу борада Д. Аркиннинг “Меъмор каламтасвири” китоби диккатга сазовордир. Меъморчилик олий укув юртларидаги каламтасвир таълимоти масалалари хам баъзи бир меъморлар ва педагогларнинг ишлари ёки мулохазаларига таяна бошланди.

“Меъмор учун каламтасвирни урганиш, деган эди И. В. Желтовский, текисликлар ёрдамида хар кандай жисмни хар кандай куринишда ва кискарган холатида чиза олиш демакдир. У форманинг хажми хакида шундай тушунча берадики, унинг ёрдами нафакат натурадан караб чиза олиш, балки уни тасаввур билан тасвирлай олиш мумкин булади. Бизнинг меъморчилик олий укув юртларимизда кулланилаётган натурадан “пассив кучириш” ана шу билимларни ривожлантирмайди, аксинча, ишни тула “тугатилган” холатга келтирмок харакатида кийинлаштирилиб, уни бутунлай улдиради. Натурадан чизиш билан бир каторда яхши оригинал асардан кучиришни ривожлантириш хам зарур. Бу орнамент куймалар, намунали чизмалар ёки яхши “отмывка” булиши мумкин. Шунингдек кучириш махоратини ривожланти-

риш зарур. Лекин бу мавзуда талабаларнинг стеометрик тарзда мужассам фикрлашини кузатиб бориш керак.

Гузал намунавий асарлардан шу каби амалий урганиш, уларни онгли равишда тасвирлай билиш ёш меъморни тарихий муаммоларга жалб килиш учун яхши имкон беради". И.В.Желтовский узининг бундай фикрлари билан Л.М.Честяков, Д.Н.Кордовский-ларнинг давомчиси сифатида меъморчилик мактабларда каламтасвир методикасини укитиш масаласини жуда аник тарзда кутариб чикди.

1935 йилда И.И.Бродскийнинг мусаввирлик академиясига директорлик даврида каламтасвирнинг нормал дастурини хаётга татбик килиш имконияти тугилди. Профессор А.И.Савин ташаббуси билан Д.Н.Кардовский, С.Л.Абугов каби таникли каламтасвир усталари педагогликка ишга таклиф килинган эди. Д.Н.Кардовский талабаларни каламтасвирга кизиктирадиганлиги билан хурматга сазовордир. Д.Н.Кардовский, П.Честяков ва Антон Ашбелардек икки улуг каламтасвир усталарининг укитув тизимларини бирлаштирди. Уларнинг методлари рус санъати учун характерли булган энг яхши реалистик традицияларга асосланиб тузилган эди. Кейинги боскич Л.В.Рудниевнинг ёркин ижодий йули каламтасвир сохасидаги изланувчан фаолияти билан боглик. Шунингдек, меъмор И.Г.Голосов яратган купгина каламтасвирларда муаллиф уз гояларини шакллар оркали ифодалашга эришган. Мусаввирнинг ижодий методи образлилиги хамда хажмлар бушликда батафсил ифода этилиши билан ажралиб туради. У яхлит когозда хар хил масштабдаги куринишларни хам умумлаштириб бир-бирига таккослайди (Плани, фасади, перспективаси, аксонометрияси.). Меъморий элементларнинг монументал пластикасини хар томонлама ифодалайди, жисмий-фазовийлик формаларининг композицион богликлигини акс эттиради.

30-40 йилларда рассомлар Н.Э.Радловнинг "натурага караб чизиш", Д.Н.Кардовский, В.Н.Яковлев ва К. Н. Коарниловларнинг "Каламтасвирдан кулланмалар" каби китоблари нашр килиниб, уларда каламтасвир таълимоти бериш анча кенг методик асосда куйилган эди. Бундан ташкари, М.Д.Бернштейнннинг "каламтасвир муаммолари", А.Дейниканинг "Каламтасвирни урганинг" каби укув кулланмалари юзага келди. Бу китоблар мусаввирчилик бадииёти олий укув юртлари талабалари учун мухим кулланма булиб колди.

## КАЛАМТАСВИР ДАРСИНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДАГИ АХАМИЯТИ

Меъморчиликдан олий таълим бериш ишларини мукаммаллштириш улкамизда социал-иктисодий, шахарсозлик ва техниканинг ривожланишидаги лойиха ишларининг (курилиш) ташкиллашувига нисбатан булган талабларга асослангандир. Бундай талаблар, бизнинг олдимизга ёш мутахассис

меъморни тарбиялаш ва укитиш методикасини яхшилаш, ижодий дунёкарашларнинг замонамиз талабларига мос тамойилларни камраб олувчи тулаконли ижодий малака ва профессионал билим олишда катта масала килиб куяди.

Меъморчиликнинг курилиш ишларидан фарки шундаки, у узининг бошка функционаллик томонлари билан бир каторда идеологик, ижтимоий-техник ва эстетик масалаларни хал килишни хам уз ичига олади. Шунинг учун хам меъморчилик курилиш аспектларидан бири булиб, у органик равишда фойдалилик, мустахкамлик, кулай ва гузаллик томонлари билан мужассамликда булади.

“Меъмор-бу инсонлар иши билан шугулланувчи кишидир. У мусаввир ва шоир, шунинг билан бирга етук мухандис булмоги лозим”.

Ёш меъморларга рассомчилик бадииётининг узига хос тартиботини сингдиришда каламтасвир фанининг укув режасига кирган бошка фанлар орасидаги мавкеини аиник тасаввур килиб, меъморчилик илмининг комплекслилигини англаб олиш зарур. Олий мактабларда меъморлар тайёрлашдаги талаблар ана шу изохланган талаблар асосида белгиланиб, у фан ва техника, санъатнинг энг замонавий ютукларига ижтимоий талаблар бирикмалари уйгунлигида ташкиллаштирилади. Меъморчилик олий мактаби меъморчилик сохасида юкори савияли кенг ихтисосли, истикболдаги ишларни аник тасаввур кила олган билими ва ижодий махорати юкори даражали, меъморчилик амалиёти фаолиятининг истаган сохасига ихтисолаша оладиган мутахассислар тайёрлашни олий максад килиб куяди.

Шуни кайд килиш керакки, меъморчилик амалиётининг иншоотлойихалаштиршнинг ихтисослаштирувчи саха сифатида узига хослиги, таркок равишда сингдирилган техник фанларнинг яхлит ижодий жараёнида интеграциялашиши, улар кирраларининг учирилиши ва санъат воситалари оркали узаро богланиш содир булишидадир.

Бу хол икки кисмдан иборат булиб: биринчидан, бизнинг турмуш тарзимизни тœгри тушунишнинг изчил равишда шаклланиши бадиий тасаввур килиш, дунёкараш ва эстетик нормалар: иккинчидан, талабаларнинг ижодий кобилиятини, амалий малакаларини ошириш, фазовий фикрлашни ва меъморий мухитни композицион ифодалаш махоратини устиришдир. Бу меъморларнинг ижодий ишларини мураккаб жараёнида юзага келади. Илмий-назарий ва инженер-иктисодиёт буйича билимларнинг ва тасвирий махоратининг узаро мулокотда булиши сермазмун, ёркин формалар ихтирочиларини юзага келтиради.

Биринчидан. маълумки у куп томонлама характерга эга булиб, бадииёт маданиятига эришиши имконига караб вужудга келади. Иккинчидан эса мусаввирлик бадииёти буйича тайёрлашда графика саводи, пластика устида ишлаш, форманинг уч улчамлилиги ва композицион улчамни амалга ошириш кабилар билан богликдир.

Натурадан, хаёл ва тасаввур оркали максадли расм чиза олиш санъати механик жараён булмай, бу мусаввирнинг эмоционал холати, унинг иш шароити ва характери билан боглик булган мураккаб ва куп киррали сабот талаб киладиган ишдир.
Унинг натижасида касбий махорат, шахсий услуб, ифодакорлилик ва ижодий потенциал каби сифатлар юзага келади.
Шу боисдан укув ишларини кандай ташкиллаштирилганлигига ва тасвирий махорат кандай йусинда булишига бефарк караб булмайди.

Меъмор тайёрлашнинг сифат даражаси, каламтасвир ургатиш услубини тугри йулга куйиш, хамда меъморчилик касбидаги санъатнинг роли ва максадини аник тушунишга богликдир. Каламтасвир буйича эришилган махоратда бадиий маданият нафакат лойиха тузишда, балким келажак амалий фаолиятида хам кул келади.

Меъморчилик касбида каламтасвир мохиятини урганиш буйича йирик мусаввир ва меъморлар уртасида махсус тайёрланган формали анкетага ёзиш оркали утказилган сухбатда хар бир сухбатдош меъморчиликда каламтасвир малакасига эга булиши нихоятда зарурлигини кайд килишди. Масалан профессор Е.И.Катонин ана шу мавзуда -”Каламтасвир бизнинг тилимиз, бизнинг фикрлаш йуригимиздир”-деган эди. СССР халк меъмори Б.С.Сперанский эса каламтасвирнинг меъмор ижодий фаолиятидаги ролини “Улкан” бир восита деб карайди, профессор А.И.Наумов фикрига караганда, график формалар оркали мулокот бу энг самарали, хамда кургазмалидир.

Профессор Абрамов Л.К. фикрича тасвирлаш махорати фикрлаш доирасини кенгайтиради, бу меъмор учун зaруратдир.

“Мен бу хакда куп уйладим,- деган эди профессор А.М.Соколов - тасвирлашни билиш бу нафакат меъмор учун, бу курувчи бинокор учун хам зарур деб хисоблайман.” Таникли авиаконструктор А.О.Яковлев узининг “Хаёт хакида хикояларида” ” мен узим укиган мактабдан миннатдорман, у ерда каламтасвир жуда яхши йулга куйилган эди. Каламтасвир махорати эндиликда менга жуда кул келди. Инженер конструктор бирор бир машина яратишни уйласа, фикран унинг кисмларини тасаввур килиб, когозда калам оркали тасвирлай олиши керак”.

Хамма айтилган фикрларнинг асослилиги ва тугрилиги шубхасиздир. Тасвирлаш махорати меъмор фаолиятида мухим уринни эгаллайди. Аммо шунинг билан бирга у меъмор фикрининг ягона асосчиси деб булмайди. Мусаввирлик бадииётини урганиш хамма вакт, санъатнинг бошка турлари билан уйгунликда олиб борилади. Шунинг учун хам барча сухбат катнашчилари каламтасвир махорати бу меъморчиликни узлаштиришда ягона восита эмаслигини хам тан олишган эдилар.

Замонамизнинг купгина меъморлари фикрларига кура ижодкор уз ижодий фаолиятида зарарли нарса булган стереотипга кайта-кайта ёндашавермай, аксинча, меъморчиликнинг улкан тажрибаларига тугри ёндашиш, улар-

нинг эстетик ютукларидан окилона фойдаланиш, хар хил меъморий мотив ва усулларга танкидий караш, хамда тасвирий махоратнинг юкори маданиятни узлаштиришга интилиши лозимдир.

Меъморий каламтасвирда тугри ва эгри чизиклар уйгунлигида хосил булган чизикларни якколликда ифодалаш, хажмли формаларнинг бушликдаги куп планлилигининг сеза олиш конструктив аниклик хамда ички структуралари ва ташки шаклий ифодасининг мантикий богликлигини тасвирлай олиш мухимдир. Бундан келиб чикадики ана шу фан буйича тахсил услубий курсатмалар яратилиб каламтасвирни урганиш киска муддатли кораламалар чизиш, хаёлий эслаш тарзида хамда ортогонал проекциялар оркали ва горизонт холатини узгартириб чизиш тарикасида узлаштирилиши лозимдир.

Етук мутахассислар фикрларининг яна бир ибратли томони шундаки, улар каламтасвир билан мунтазам ва жиддий равша шугулланиш кераклигини 0таъкидлайдлилар. Меъмор ижодий ишининг боскичларида каламтасвирнинг роли услубий жихатдан бир хилда булмайди. Шунинг учун хам каламтасвирнинг услубий сирларини урганишда турли материалларда амалий ишлашни машк килиш хам жуда мухимдир.

Каламтасвир, бу-кузатилаётган ёки тасаввур килинаётган образни механик тарзда кучириш жараёни булмай, аник ифодали фикрлашда ёрдамчи воситадир.

Купгина улуг меъморларнинг дагал ва содда кораламалари шуни курсатадики, улар уз фикрларини чиройли чизгиларда астойдил тиклашга интилмаганларнинг аксарияти улар дагал кораламаларда ифодали форма ёркинлигига эришганлар.

Меъморий лойиха сифатини оширишда режали равишда макетлаштириш йули билан бушликда хажмли композиция тузишда уни ифодали чизиш гоят мухим ахамият касб этади. Бунда янги техник воситалардан меъморларнинг индувидуаллик томонларини йукотмайди. Шунинг учун талабаларни замонавий кургазма куроллар ва курилмалар билан таништириб, улардан фойдаланишни ургатиб бориш, айникса компьютер техникасини ургатиш, укув дастурларидан етарлича уринни эгаллаш лозимдир.

Лойихавий ишларни рационаллаштиришда уларнинг фойдаси каттадир. Хар хил преспектива курадиган техник каламтасвир яратувчи, печатловчи ва ранг ажратгич каби техник воситалар, укувчиларга таниш булиши керак.

Лойихада меъморий образнинг шаклланиши, функционал-техник, шунингдек, иншоотнинг бажарадиган ишига богликдир. Бунга эришиш нафакат умумий формалар куринишининг ёркин композицион бирикмалари ёрдамида булмай, балки бино тарзларининг пластик уйгунлиги, кисмларнинг улчамлилиги, полихромик ечимнинг якколлиги каби тасвирий санъатнинг бевосита иштирокида эришилади. Бу жараён асосан каламтасвирда бажарилиб химахил услубда намоён булади. Шунга кура, меъморда мусаввирлик бадииётини

идрок килишни ургатиш фазовий фикрлашида ижодий тафаккурни устириш, бадиий маданиятни ошириш, тасвирий махорат сирларини эгаллаш узок муддатда амалга оширилади. Ана шунинг учун меъморчилик мутахассислиги укув режаларида тасвирий бадииёт машгулотлари цикли мавжуддир. МДХ давлатларидаги 7 та олий укув юртлари архитектура факультетларининг фаолияти билан танишув шуни курсатадики, МАРХИ, И.Репин номли рассомчилик институти, Эстония институти Свердловск. Политехника институти, Тошкент Архитектура ва курилиш институти, Самарканд курилиш архитектура институти, Одесса политехника институти уларда бу цикл турлича тушунилиб, бунинг негизида тасвирий санъатнинг меъморлар тайёрлашдаги тарбиявий ролини изохлашдаги хилма-хиллик ётади. Аникроги тасвирий санъатдаги “Тасвирда соддаликдан мураккабликка ута бориш” принципи яъни кетма-кетликда тузилиши лозим булган топшириклар мажмуалари тизимининг хилма-хиллигидадир. Шунингдек бу олий укув юртларининг укув режалари тузилишида каламтасвир учун ажратилган соатлар меъёридан мутаносиблик ягона услубий йуналишнинг йуклиги, расм тахсили учун ажратилган аудиториялар ва жихозларнинг тахсил учун яроксизлиги маълум булди.

Олий укув юртларининг хаммасида хам расм чизишда  фикрлаш жараёнининг ривожлантириш принципига амал килинмайди. Меъмор педагоглар олдида талабаларда уз-узини анализ килиш йули билан бадиий-эстетик критериялари билан композицион-ижодийликни уйгунлаштириш махоратларини оширишни ташкиллаштириш формаларини кидириш каби катта масалалари  туради. Бунда тасвирий дидни тарбиялаш методикаси энг мухимларидан биридир. Бу ерда каламтасвирни ургатишдаги айрим услубларнинг роли ва урни яъни кораламалар чизишни билиш, узок муддатли каламтасвир машклари утказиш, хар хил материалларда топшириклар бажариш кузда тутилади. Бундай талабни программага киритиш тематик постановка саралаш ва чизиш учун аник мухитда натура мавзуи танлаш юкорида кайд килинган ОУЮларда хар хилча талкин килиниб уларнинг купчилиги бизнинг олдимизга куйилган масалаларга жавоб бермайди.

Биринчи дастурлар туркуми уз олдига укувчилардан “Эстетик тасаввур ва дидни шакллантириш, ижодий кобилиятни ривожлантириш, фазовий фикрлашни ривожлантириш ва тасвирий махоратни узлаштиришни”, бу борада меъмор мутахассислиги учун каламтасвирнинг специфик томонларининг кузда тутилишини максад килиб куяди. Куйилган бундай талабнинг тугрилигини инкор килиш кийиндир .

Иккинчи дастур туркуми расм курсининг асосий максади- ”Каламтасвир бажарилишининг коида ва усулларини урганиш каламда ишлаш техникасини эгаллаш, албатта реалистик шарт-шароитларга амал килиш”- деб хисоблайди. Бу ерда фазовийлик фикрлашнинг устирилиши ва

мухитнинг яхлитлигини кура олиш каби мухим шартларнинг тушириб колдирилиши унинг нуксонидир.

Учинчи туркум эса расм чизишни ургатиш буйича умуман аник таърифланган максадни уз ичига олмайди, бу фанга кумакчи машгулот сифатида, дастурда изохланишича унинг лойихаларини яратишдаги энг аъло ролни уйнайдиган фан деб изохланади. Дастурнинг кириш кисми укув машгулотларини бажаришда укув жараёнини ташкиллаштириш буйича катор маслахатлар изохи билан бошланади.

Туртинчи дастурий тукумнинг характерли томони мусаввирлик бадииёти циклидаги фанларни ургатишдаги, талабларни умумий карашларда ифода этилишида булиб, у асл максадга жавоб бермайди. Бунга 1975 йилда Одесса И.С.Ининг расм, ранг тасвир ва меъморчилик графикаси асосида кафедра томонидан нашр килинган “Каламтасвир курси ”программаси буйича методик кургазма мисол була олади. Бу дастурда шундай дейилган:
“Шундай килиб, умуман расм курсининг максади... Марксча, Ленинча дунёкарашни тарбиялаш, социалистик реализм методларни, партиявийлик категорияси, рус реалистик санъати халкчиллигини урганишидир.” Дастур давомида хам мутахассислик мавкеини юритиш жуда буш куйилган. Бундай дастурларнинг негизида расмнинг махсус фан сифатида урганишдаги, укитувчи ва талабалар олдига куйиладиган унинг чукур уйланган масала ва максадлари умуман мавжуд эмас.

Уларнинг умумий мавзуси амалиётчиликка каратилган булиб, киши канча куп чизса, унинг лойихалаш ишлари шунча яхшиланади, деган тушунчага эгадир. Аслини олганда, меъмор мутахассислиги учун айнан расм чизиш зарурат булмай балки, тасвирий санъат сирларини муайян бир йуналишда эгаллаб ва уларда алохида мулохаза кила олиш кобилиятини шакллантиришдир.

Расм машгулотлари учун ажратилган соатлар микдори дастурда белгиланган топшириклар сонига ва уларнинг бажарилишидаги сарфланадиган вакт улчамига мос булиши керак. Акс холда топширикларнинг бажарилиш жараёни талабга тулаконли жавоб бермайди.

Хулоса килиб айтганда, тавсия килинаётган укув программаларининг умумий услубий йуналиши даражасини белгилашда унинг укув жараёнида орттирилган тажрибаларга, улар мазмунидаги камчиликларни аниклашга тайёргарлигини хисобга олиш уринлидир.

## МЕЪМОРЧИЛИК ОЛИЙ УКУВ ЮРТЛАРИДА РАСМ ТАЪЛИМИ БЕРИЛИШИНИНГ АСОСИЙ МАКСАДЛАРИ

Каламтасвирни талабчанлик ва изчиллик билан ургатиш, энг содда чизмалардан мураккабига кетма-кет утиш, хуллас, одам каддининг тузилишини урганиш билан тугайди.

Ёш меъморларнинг шаклланишида, урта мактаблар ва олий даргохдан хамда амалий фаолиятлардан олинган билимлар асосида тугилган умумий фикрлаш билан узвий богланган фазовий хажмий фикрлашнинг шаклланишида лойихалаштириш чизма геометрик, материаллар хосса ва хусусиятлари ва конструкциялари хакида тасаввур берувчи фанлар каторида расм таълими хам жиддий роль уйнайди. Бу борада каламтасвирни ургатиш жараёнида талабалардаги тасвирланаётган форманинг чизикли-конструкцияси хакида мантикий тушунчанинг сингдирилишига асосий эътибор берилади. Программада кейинчалик яна хам мураккаб усулга, предметлар формасини тасвирлашдаги нур-сояларни акс эттириш кузда тутилади.

Расм чизишни ургатишда асосий мавзуини бошка фанлар катори талабаларга меъморий бадиий, конструктив курилма масалалари бœйича эркин кенг мулохазали ечинмалар кила олиши учун асосли билим беришни ташкил килади.

Бошка укув фанлари билан бир каторда расм чизишни ургатишдан асосий максад талабаларга меъморий-бадиий ва конструктив масалаларни уларнинг амалда кандай бажарилишини кенг тасаввур кила олиш ва бундай масалаларни бемалол еча олишда асосли билим беришдир.

Каламтасвир укитилишида тасвирий бадииёт циклидаги хайкалтарошлик ранг тасвир ва меъморий лойихалаштириш кафедралари дарслари œзаро узвийликда булиши максадга мувофикдир.

Меъморчилик олий укув юртида расм амалиёти курсининг максади куйидагилардан иборат.

1. Талабаларга профессионал расм чизишнинг усул ва методларини, касбнинг специфик томонларини хисобга олган холда ургатиш;
2. Расмнинг жиддий назарий асослари билан танишиш;
3. Бадиий дид ва ижодий фикрлашни тарбиялаш.
4.Хажмли фазовий фикрлаш доирасини кенгайтириш

Расмни чизишни ургатишда замонавий реализм, ватанимиз ва чет элларнинг етук традицияларига асосланди. Реалистик каламтасвир уз табиатига кура материалистик деалектикага боглик булиб, миллий услублар ва назарий омилларга таянган холда ургатилади.

Каламтасвир мантики фикрлаш мантики асосида тузилиб, у борликка муносабатни шакллантиради, унинг бой, гузаллиги ва куп кирралилигини тасвирловчи диккатида мужассамлантиради, махорат пайдо килади, караш, мия кул координацияларини мужассамлаштиради.

Хажмий - фазовий тасаввурни ривожлантириш учун заруриятлар:

-чизаётган жисмни хар томонлама куриб ва унинг шаклларини тахлил килиш;

- жисмнинг прспектив тасвирини унинг илк ортогонал куринишларини ва киркимларини тасаввур килган холда тасвирлаш;

-жисмнинг ташки куринишини идрок килиш билан чегараланмас дан, унинг тузилиши ва курилмасини англаш;

-ходисанинг ривожланишида, вакт хамда фазовий харакатида кура олиш.

Расм чизишнинг асослари ва амалий куникмалари аста-секин, машклар давомида ургатилиб, сингдирилиб борилади, аввало, бу натурадан бажарилади, яъни оддий геометрик жисмлардан бошлаб мураккаб, одам кадди ва одам каддини меъморий мухитда тасвирлаш билан якунланади.

Натурага караб чизиш фазовий категориялар билан фикр килиш, формани сезиш кобилиятини устириш, пластика ва ритмини, бадиий дидни тарбиялаш, улчам ва уйгунликни сезиш каби меъморга зарур булган фазилатларни ургатади.

Давомли, майда кисмларигача аниклаб ишланган, тугатилган натуравий каламтасвирларда моделнинг тузилиш конуни ва фазовий-пластик таркиби, перспектив конуни ва нур сояларни акс эттириш, уч улчамли форманинг когоз юзасида тасвирлайдиган тадбир сифатида ифода этилади. Киска коралама ва чизмалар билан давомли чизиладиган каламтасвирларни кетма-кет алмашлаб бажарилиши, идрок этишни уткир ва яхлитлигини тарбиялайди, укувчининг куз билан чамалай олишини, идрокнинг хилма-хиллигини ошириб уни яхшилайди.

Натурадан чизиш яъни график тасвир воситаси оркали (чизик, штрих ва тон доглари бериш, усуллари оркали) бадиий- эркин образ яратишга имкон беради.

Натуравий тахсил бу тасвирий махоратнинг янги кулай мактабидир. Ургатувнинг мухим методик томони талабанинг натурани пассив кучиравериши эмас, балки унга онгли, актив ёндошишдадир. Куйилган максадни аник тушунган ва уни чукур урганган холда бажарилиши мухимдир.

Бу нарса айникса ёш талабаларнинг бошлангич фаолиятида юз берадиган натуранинг ташки куринишини механик равишда кучириб аналитик ёндошишини унутишларида намоён булади. Ана шунинг учун талабаларнинг диккати тасвирланаётган жисмнинг конструктив аломатларига, унинг хажм тузилишиги жалб килинади. Композицион махоратни устириш, график услубнинг саводлилиги бадиий ёркинлик, когознинг тасвирий юзасини дид билан ташкиллаштиришга катта ахамият берилади. Бу масалани хал килиш, хар топширикка ижодий ёндошишни талаб килади. Расм чизишни курслар буйича ургатиш процесси куйидаги этапларга булинади:

**I курс**. Каламтасвирдан оддий билим асослари бериш. Иш куроллари услублар, перспектива ва композиция конуниятлари билан танишув.

**II курс.** Янада кийинрок формалар тузилиши ва улчамлари асос ларини эгаллаш, инсон бош кисмлари улчамларининг узаро богликлиги, интеръер ва меъморий иншоотни чизиш (зарисовка).

**III курс**. Каламтасвир техникасини (услубий махоратни) такомиллаштириш ва одам боши тузилишини урганишни пухталаштириш, (чукурлаштириш) ва шунингдек интеръер ва экстеръерларни хам.

**IV курс**. Расм бадииёти бœйича фикрлаш малакасини ривожлантириш ва янада чукурлаштириш, эскизлар яратиш асосида тасвирий санъат ва меъморчилик синтези буйича малакаларни ривожлантириш.

Расмни ургатишнинг хар бир боскичи оддий топширикдан янада мураккабига, олдин олинган билим ва малакаларни синтезлашдан иборат булиши лозим.

Кушимча ва факультатив машгулотлар хисобига укитиш хам максадга мувофикдир. Топшириклар тематикалари мутахассисликнинг дастурлаштирувчи талабларидан келиб чикилади: “Иншоот меъморчилиги.” “Инсон ва иншоот”, “Кичик меъморий формаларни эскизлаш” (хом чизма), “Интеръер ва экстеръер безашнинг хом чизмаси,” “Ансамбль”ва хоказо.

## УКУВ ПЛАНИ СТРУКТУРАСИ БУЙИЧА ДАСТУР ТУЗИШ (1221, 1901 МУТАХАССИСЛАР)

Укув плани гурухига кирувчи мусаввирлик бадииёти циклидаги фанлар комплексининг узига хос томони, унинг ижодий характерга эгалигидир.

Каламтасвир бу тор махсус мутахассислик фанига кириб, мусаввирлик бадииёти буйича тайёрлашдаги фанлар циклининг бир кисмидир. Бу фан укув топширикларининг таркиби хар курсда ва хар семестрда бир хил эмас, хамда у меъморчилик мутахасислиги хусусиятига асослангандир. Планда бу машгулотларни турт боскич мобайнида, бадииёт тарбиясини вазифалари, фазовий фикрлашни œстириш , укув даврининг хар хил боскичда ижодий хамда образли тасаввур кила олишни урганиш назарда тутилади. Дастурлар тузишда биз меъморчилик ва курилиш олий мактаблари кенг ихтисослик мутахасислар таёрлашдаги тартиб, яъни меъморчиликни социал инженер - иктисодиёт ишлари бирлиги сифатида тушуниладиган конуниятга асосланишимиз керак. Ана шу узаро богликликдаги расмнинг роли каттадир. Композиция билан бир каторда у иншоот кœринишининг шакилланишида асосий восита сифатида, хамда меъмор ижодий методининг асосини ташкил килади. Расм чизишда куйиладиган масалаларнинг умумий мавзусини куйидагича изохлаш мумкин:

Талабаларнинг умумий маданият даражасини ошириш, санъат асарларини тушиниш ва бахо беришдаги эстетик карашларини шакилланишига мустахкам асос бериш, бадииёт дидининг усишини таъминлаш ва ижодий ишларни натижаларини анализ кила олиш малакаларини сингдириш кабилар.

Етук олимлар ва мусавирлар бадиий диднинг шаклланишига катта эътибор берганлар. Дени Дидро дид купинча дахолик билан боглик булмай-

ди. Дахолик бу табиат тортигидир: унинг асарлари зудликда яратилгандир; дид -вактни урганиш махсулидир ва у таргиб этилган ва назарда тутилган куп коидаларни билишни талаб килади ; у шартли мохиятга эга булган гузаллик касб этади.”- деган эди

Тасвирий махорат ижодий ёндашув ва аник масалаларни хал этишга, профессионал малакаларни эгаллашга кизикиш уйготади ва уларни мунтазам равишда такомиллашишига хамда утмиш меросини тугри тушуниб ва унга танкидий карашга ёрдам беради.

Буларнинг барчасини шундай шакл ва шундай иш  ёрдамида узлаштириш керакки Меъмочилик - курилиш олий укув юртини тамом килган хар бир киши узининг амалий фаолиятида билим ва тажрибаларини ошириш имконига эга була олсин.

Расм укитиш буйича мавжуд укув плани купгина инженер-курилиш олий укув юртларида хар гурух буйича укув амалиётига ажратилган 72 соатдан ташкари 424 соатдир. Бундай тартибда ажратилган соат албатта камдир. Бадиийт даражаси юкори савияли меъморлар таёрлаш учун вактни бир ярим баробар ошириш лозимдир.

Ана шу борада текширув материаллар хулосаларига караганда, расм чизиш буйича соат микдори факультатив  машгулот хисобига ошириш зарурати тугилади. Бу талабаларнинг мустакил, кушимча иши булиб, дарс жадвалидан ташкари тахминан 300 соат булиши мумкин.

СамДМКИ нинг бошлангич курсида (1-II курслар) бир катор тасвирий санъат фанлари утилиши кузда тутилади. Булар каламтасвир, ранг тасвир, хайкалтарошликдир. Бу албатда жуда зичдир. Ана шунинг учун расм буйича факультатив  дарсларни  учинчи, туртинчи  курсларга мулжаллаш максадга мувофикдир. Расм машгулотларининг бундай микдорда тузилиши унинг бутун укиш мобайнида тулаконли узлаштирилиши мумкин булиб бу тартиб купгина малакали педагоглар томонидан кулланади. Бунга кушимча расм буйича 144 соат хажмида ёзги укув амалиёти турт хафта давомида утиш кузда тутилади. Меъморларни бадииёт жихатдан тарбиялашда расмнинг (каламтасвир) роли етакчи булиб, унинг машгулотлари бутун укув давомида олиб борилиши керакдир. Бу борада бошлангич боскичдаги расм фанини узлаштириш меъмор мутахасислигининг шаклланишининг асоси булиб , учинчи, туртинчи боскичларда эса ижодий меъморий- композицион йусинидаги ишлар булиб купрок бадиий куникмалар асосида амалий бурилиш ясаш масалалари билан богликдир.

Шундай килиб укув плани структурасида расм машгулотлари соатларининг булиниши куйидагича булиши максадга мувофикдир:

| Дарслар | соат лар | Iкурс | | II курс | | IIIкурс | | IVкурс | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | с е м е с т р л а р | | | | | | | |
| | | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII |
| | | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 | 4 |
| факультатив машгу-лотнинг кушимча турлари 200с мус такил иш | 554 | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 | 68 |
| семестрларда хафта-лар сони | | | | | | | 12 | 12 | 12 |
| | | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 |

Бу тавсияноманинг натижали томони унинг каламтасвир учун доимий 4 соатлиги булиб бу факультатив хисобидаги 4-боскичда хам сакланиб колинишидадир. Меъморчилик ва курилиш олий укув юртларида расм бадииёти ургатилишининг узига хос мухим талабларидан бири бу машгулотларнинг тематик танлаш ва укув жараёнини ташкиллаштиришдир.

Меъморчилик- курилиш касби расм бадиёти ривожлантирилиши жараёнида кандайдир бир микдорда шахар мухити билан богликликни талаб килади, яъни экстерьер, истирохат боглари комплекси ва ландшафтлар, расмларни чизиш, шунингдек улар киёфаларига аналитик характердаги элементлар киргизиш кабилар. Талабаларни реал меъморий фазовий мухит расмини чизишга жалб килиш шубхасиз ижобий факторга эгадир. Бу борада ЛИСИ, КИСИ, Ростов ИСИ ва бошка олий укув юртларида олиб борилаётган укув ишлари ибратли булиб, меъмор касби максадларига мосдир, хамда бу хол меъморлар тайёрлашда мукаррар булиши керак. Дастурнинг иккинчи мухим талабларидан бири бу расмнинг ихтисослаштирувчи меъморий лойихалаштириш фани билан талабанинг уз укув топшириклари оркали узаро богликлигидир.

Бу хол улар характерини ва мазмунини танлашда хамда календар плани буйича соатларни аниклашда конкрет тус олади. (табл.3) Бундай талабни амалга ошириш масаввирлик бадиётига таёрлаш билан укувчиларнинг ижодий ишлари, методик принципларнинг узаро богланишини асослайди. Биз меъморнинг бадииёт маданияти ва тасвирий махоратини шаклланиши меъморчилик касбини специфик хусусиятларининг алокадорлигида руёбга чикишини унутмаслигимиз лозим.

Расм бадииёти воситаси хамда ижодий ишнинг комплекс методикасидан социал мухитни шаклланишида фойдаланиш жуда мухимдир. Бу меъморларнинг келажак меъморий ишларининг темаси мазмунига янада чукурроk ёндашиш, янада кулай усуллар билан уни бажаришга боглик булиб, каламтасвир эса уз урнида меъмор малакасини оширишга куйилган максадни умумлаштира олишга, оригинал ечинмаларни кидиришга кулайлик тугдира олади.

Каламтасвирни ургатишда узига хос специфик талаблар мавжудтдир. Булар: композиция тузиш тушунчасини узига хослигини тушиниш, форма ташкиллашувини урганиш, нур ва сояларнинг хусусий роли ва формалар пластикасини аник чикариш, тасвирий санъатга хос образлиликни тасаввур килиш, хима-хил график услубларни таъсирини кура билиш ва бошкалардир.

Аммо меъморни шакллантиришда, фазовий фикрлаш кобилиятини устириш ва унинг ижодий ишлари услубининг комплекслигини назарда тутиш ва меъмор мутахасислигининг бошкарувчилик хусусияти мукаррарлиги кабилар асосий максад булиб колиши керак.

Учинчи мухим талаб мавзуларнинг махсус танланиши булиб, бундай характердаги топширикларнинг бажарилиши кандайдир бир тарзда амалий фаолиятнинг профессионал холатини акс эттирадиган, объёмли композиция, интеръер, хар хил микдорда ёритилган,хар хил табиий мухитдаги очик бушликлар тасвирлари билан боглик булиши керак.

Амалиёт шуни курсатадики, музейлар, меъморий ёдгорлик лар, клуб ва театр заллари ва замонавий иншоотларни тасвирлаш каби ишлар талабалар томонидан жуда таъсирчанлик билан амалга оширилади.

Келгуси талаб комплексли бадиийётни ривожлантириш ва санъатнинг меъмор ижодидаги ташкилотчилик-ми ролининг тушунчаси билан,кисман монументал ва амалий санъатнинг хилма-хил турларини узаро чамбарчаслиги билан богликдир. Утмиш ва хозирги замон курилиши ишлари шундан далолат берадики, меъморчиликдаги сифат натижалари купинча санъат турлари синтезидан устакорона фойдаланишга богликдир. Бу борада дастур ва иш режаси структураси буйича аник ишларнинг бажарилиши жараёнида, хилма-хил санъат турларидан фойдаланиш принцплари кузда тутилиши лозимдир.

Бу хол юкори курслар хамда диплом лойихалаш ишларида бадиийётга тайёрлаш буйича топшириклар мавзуларида уз ифодасини топиши максадга мувофикдир. Ички ташки фазовий кенгликлар уртасидаги узаро чамбарчас богликлик тушунчасини ривожлантиришни узига максад килиб куювчи услубий талаб каламтасвир укув дастурини тузишдаги принципиал мухим коида деб караш керак. Бунга формаларнинг тузилиш структурасини тасвирлаш усулларини урганиш унинг маъносини, функционал ва пластик мазмунини, яхшироги уни жонли табиат формаларидан (усимликлар, хайвонот дунёси, одам, атроф-мухит) хамда геометрик шаклларни тасвирлаш йули билан эришилади. Умуман олганда, тасвирлаш махорати барча тасвирий санъат турлари учун мухим булиб хар бир меъмор учун хам зарурдир.

Таникли меъморлар билан утказилган сухбатлар мазмуни шуни курсатдики, улар меъморий каламтасвир хусусиятларини фазовий бушликда жойлашган жисмлар гурухларини акс эттиришда ва унинг профессионал фаолиятидаги роли яъни: эскизлар яратишда, композицион изланишларда, формаларнинг пластик ечими ва фазовий бушлик ёркинлигига эришишда, меъморий композицион ечим маданиятни мукаммаллаштириш каби ишларни

кузда тутадилар. Демак каламтасвирнинг тасвирий хусусияти меъмор учун кенг, серкиррали мазмун касб этиши мукаррар экан.

Чизиклар ва нур, соялар ёрдамида меъмор кийинчиликсиз меъморий мухитни акс эттира олиши лозим. Бу унга формалар структурасининг характерли томонларини тасвирлашда, пластик конструкцияси мантикийлигини ифодалашда кул келади. Ана шу асосий ва мухим талаб дастурининг барча укув-амалий ишлари топширикларига таалукли булиши керак. Укув жараёнини турлича ташкиллаштириш, топширикларни кетма-кетлигини ишлаб чикиш методикасига амал килиш меъмор тайёрлашдаги сифат даражасини оширишга ёрдам беради. Унинг каламтасвир буйича муайян аник топшириклар устидаги кейинги фаолияти унинг махоратини мукаммаллаштиради. Меъморлар тайёрлайдиган укув даргохларининг еттитасини расм буйича дастурларини таккослашдаги тахлил муаллифларга вактнинг оптимал микдорини белгилаш имконини берди.

## УКУВ ТОПШИРИКЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА УСЛУБИЙ ЙУНАЛИШИ

Талабаларнинг уз иши максадини аник тушиниши ва уларнинг шахсий манфаатдорлиги укув жараёнини ташкиллаштиришдаги мухим хол булиши керак. Каламтасвир ёрдамида тасвирий махоратни узлаштириш борасидаги укув жараёнини ташкиллаштиришнинг кетма-кетлиги бу фанни ижодий тушиниш билан хамда меъморий объектнинг шаклланишидаги алохида роли билан богликдир. Натура билан меъмор-мусаввир уртасидаги муносабатда активлик иштирок этиши лозим. Яъни унда бир томондан натурага кизикиш уйгониши, иккинчи томондан муаллиф натура ёрдамида уз тушунчасини изохлай олиши (когоз юзасида), уфк холатини тугри белгилай олишда, шунингдек материал ва бажарилиш услубини аниклай олиши кабилардир.

Дастурда иш процесидаги укувчилар дуч келадиган кийинчиликларни аста секин бартараф килиб бориш кузда тутилиши лозим. Методик жихатдан бу укув вазифаларини мураккаблашувига боглик булиб, ишнинг саноги жихатига (топширикнинг хажми), моделнинг шаклланишиининг мураккаблигидаги (тургунлик ёки, мураккаб харакатли хар хил бурилиш холатидаги модел) ишнинг тулаконлилиги ва унинг тугатилганлиги (коралама, чизикли каламтасвир, формаларининг нур, соялар ёрдамида тула ифодаланиши ва хоказо). Ана шу кайд килинганлар сифатига постановкаларнинг 2 хар хил турлари, моделнинг умумий композицияси, тасвирланаётган жисмларнинг планли равшда жойлаштирилиши катта таъсир курсатади.

Меъморчилик мутахассислиги учун табиий вужудга келган хилма-хил жисмлар характерлари катта мохиятга эга. (ёгоч, шиша, металл, тош ва хоказо)

**I.** Каламтасвир ёки ранг тасвирда тасвирлаш учун танланган жисм ва матолар гурухининг композицион тузилмасига эга булган хилма-хил жисмларни куплаб тасвирлаш меъмор учун жуда мухимдир

**II**. Постановка чизиш учун модел сифатида куйилган жисмлар мажмуаси..

График тасвирлаш воситаларининг хилма-хиллаги (калам,муйкалам, перо, сангина кумир ва хоказо) шунингдек дастур методикасининг асосий максадларидан бири булиши керак. Чунки укув жараёнида хар-хил воситалардан фойдаланиш унга узининг севимли материалини танлашга ёрдам беради. Укув амалиёти шуни курсатадики меъморчилик мутахасислиги талабаларнинг тасвирий санъатнинг бошка турлари билан танишуви уларнинг билим доирасини кенгайтиради, ижодий имкониятлари диапозонини устиради, куйилган масалаларни систематик равшда ечишга ургатади, узида ишонч пайдо килади.

Ана шунинг учун дастурларга хар хил санъат турлари специфик томонларини ёритадиган моделлар турларини машк килиш киритилиши зарурдир. Бундан ташкари, хар семестрда аналитик характердаги каламтасвирлар комплексини бажариш мухимдир. Шу йусиндаги топшириклар тартиби, жисмнинг форма ташкиллашуви структурасининг ёритилиши жараёнида, шунингдек унинг конструктив мазмуни билан ташки куринишининг узвийлиги, жисм холатининг фазодаги ва уфкка нисбатан узгариши даврида ойдинлашуви мумкин.

Энг кизикарли ва мураккаб топширик, бу берилган ортогонал проекцияларни перспектива куринишида тасвирлаш хамда хотира билан расм чизишдир. Каламтасвирнинг бу турлари профессионал характерга эгадир.

Мусаввирлик бадииёти укув ишлари тажрибаси шуни курсатадики, укув жараёнида каламтасвир билан мустакил шугулланиш меъморчилиик саводи берилишида катта ахамият касб этади. Бу Одесса ИСИ си, Воронеж ИСИда кулланилмокда. Ана шундай мусаввирлик бадииёти даражасини кутариш формаси доимий тусга кириши лозим.

Унинг муваффакиятли жорий килиниши бутунлай кафедра рахбарияти ва укитувчилар ташаббусига богликдир. Каламтасвир буйича мустакил ишларга кизикиш уйготиш кийин иш булиб, укитувчилар ва талабалардан катта активлик талаб килинади. Ана шу масала буйича Н.В.Томский шундай деган эди: “Укув дастурини равшанлаштирмок ва яхшилаб бормок керак- бу мухимдир; лекин педагогнинг етакловчи ва тарбияловчи иродаси, каламтасвирга мухаббат уйготиши, унинг имкониятларини оча билиши янада мухимдир.”

Методик планда бу машгулотлирда укув топширикларини аниклик билан тугалланиши максад килиб куйилиши лозим. Уларни амалга ошириш, кушимча машгулотлар, хар хил тугараклар ва педагог назоратидаги мустакил уй ишлари тарзида ташкил килиниши мумкин. Календар режарнинг мавжудлиги бу ишларни режали ташкиллаштиришга имконият тугдиради. Дастур-

нинг кейинги конкретлаштирилиши, топширикларнинг укув методик йуналиши, уларнинг пайдарпай бажарилиши укув жараёни билан чамбарчас богликдир. Каламтасвир учун план буйича ажратилган вакт, турт йил давомида икки боскичга булинади.

Томский Н.В. Решение идейно - творческих проблем присозданиихудожественных произведений стонковой и монументальной скульптуры. Л.1979 г. с.5

Биринчиси (I-II курслар) бу умуимй мусаввир бадииёти маълумоти берилиши даври. Бунда асосан каламтасвирнинг бошлангич малакаси берилади. Тажриба шуни курсатадики, пос тановкаларнинг умумий микдори 6-7 тадан куп булмаслиги, уларнинг хар бир темаси учун 2-3 машгулот ажратилиши  (бир машгулот 4 соат) максадга мувофикдир. Узок давомли каламтасвир бундан истисно.

Иккинчи боскичдаги мусаввир бадииёти малакаси (III-IVкурслар) касбининг хусусиятига боглик. Бу купрок ечим кидируви жараёнида юзага келиб, меъморий формалар пластикаси устида ишлашда, уларнинг уч улчамлилигини хамда органик структурасини кура билиш ва тушинишда намоён булади. Бу борада меъмор фазовий ходисаларни сезиши, зехни жуда ривожланган булиши, пропорционал улчамларни аниклай олиши, масштаблиликни тушиниши ва нихоят меъморий -фазовий композиция методига эга булмоги, хамда ранглар уйгунлигини сеза олиши лозимдир.

Ижодий ишнинг бундай хусусиятлари келажакда мутахассисликнинг асоси булиб хизмат килади. Укув ишларининг тематикаси, уларнинг бажарилишидаги услуб ва изланувчанлик, чизиш учун постановка танлаш жараёнида хар хил материаллардан фойдаланиш, профессионаллик малакасини ривожлантиришда кул келади ва меъморий композицион гояларнинг вужудга келишига олиб боради. Ана шунинг учун укув топшириклари янада купрок жисмларнинг натуравий тасвирланиши билан боглик булиши ва хаёлий композиция ярата олиш хамда чизмалар ва тасаввур оркали  тасвирлай олишга каратилиши керак.

Бу хол айникса ишнинг изланиш, яъни когозда жойлаштиришни уддалай олиш жараёнида мухимдир. Меъмор ижоди реал бушликда уз гоясини зухур этар экан, унга формалар пластикасини уч улчамлигини сезиш кобилиятини ривожлантириши, яъни куп планли композицион тизимининг пайдар-пайлигини хис килиш имкониятларига эга булиши керак. Ана учун каламтасвирни ургатишда купрок укув топширикларини натуравий тасвирлашга каратиш максадга мувофикдир.

Меъморларни мусаввирлик бадииётига ургатувнинг бу икки боскичи бир-биридан яккол ажратиб куйилади деб тушиниш ноуриндир. Бу икки боскичдаги топширикларнинг хал килиниш масалалари узининг мураккаблиги жихатидан фаркли булиб, умумий максаднинг профессионал таълим беришдаги пайдар-пайлигига амал килишдир.

Биринчи семестрда бажариладиган каламтасвир топширикларнинг характерли томони, улар тематикаларининг геометрик жисмлар ва уй рузгор анжомларидан тузилган натюрмортлар тарзида булиши максадга мувофикдир

Каламтасвир урганишнинг бошлангич боскичидаги шу каби топшириклар бажарилишидан асосий максад эътиборни мусаввирлик бадииёти саводи масалаларига каратиш, пропорцияларини тугри белгилашни, когоз юзасидан умумий композицион жойлаштирувни ургатиш натурани тасвирлаш учун кулай жой танлаш, уфк холатини аниклаш, фигураларнинг бир-биридан пропорссионал фарки ва улар формалари кисмларини белгилай олиш, нур сояларни аниклаш каби мухим томонларга жалб килиш керак.

Ушбу тематикалар услубий томондан хам фойдалидир. Чунки геометрик жисмларни чизиш диккатни йигишга ёрдам беради.. У тасвирчини модел графикасини урганувидаги фикрлаш  жараёнига чорлаб, формалар структуралари хакида уйлашга чорлайди.Биринчи семестрнинг охирида хар хил юзаларнинг вужудга келиши билан боглик булган формаларни тасвирлаш масаласи куйилиши максадга мувофикдир. Формалардаги кирким излар юзага келтирган чегараларнинг пайдо булиши билан боглик булган бундай машгулотлар фикрнинг ривожланишига ёрдам беради. (18расм) Булажак меъмор учун буларнинг хаммаси жуда мухим булим у узининг келажак фаолиятида, композицион ечим кидирув жараёнида, хилма-хил геометрик форма ясалиш ва уларнинг тузилиш структураларини аник кура олиши каби холлар билан туknашади. Шу тема буйича бажариладиган амалий ишлар серияси семестрнинг охирида синов- композицион топшириги билан тугаши керак. Бу уринда талабалар олдига уларнинг ортирган малакаларига асосланган холда узузлигича бир нарса яратиш кабилидаги масала илк бор куйилади. Бу топширик уй-рузгор анжомларидан тузилган композиция булиши (19,20,21-расмлар) ёки оддий геометрик жисмлар группасидан тузилган булиши мумкин.

Каламтасвир сирларини урганишнинг навбатдаги погонаси талабанинг иккинчи семестр давомидаги ишлари булиб иншоотнинг ганчдан ясалган безак кисмлари моделларидан, хилма-хил матолар фонида тузилган натюрморт циклидаги ишлардан иборат. (22,23,24 расмлар) булиши керак.

Бу борада асосий максад нур соялар ёрдамида формалар, фактураларнинг эркинлигига эришишдир.

Бундай туркумдаги натюрморт куйилмалардан максад каламтас вир малакаларини мукаммаллаштириш, яъни формалар пластикаси тушунчаларини янада мураккаб тузилишли жисмлар юзалари, фактураларини, уларнинг материалларини ифодалашдир. Меъморий моделларни умумий тузилишларининг узига хос характерини укувчиларга тушунтириш керак.

Улар постановкаларнинг мантикийлиги, нур соя эффектларининг жилолилиги, ташки куриниши билан ички мазмунининг структуравий богликлиги, кабиларни графикавий чизиш тажрибаси оркали урганадилар.

Бунинг билан “куринмас” нарсаларни кура олиш яъни формаларни нозик томонларини куриш ва умумийлик билан кисмлар уртасидаги чамбарчасликни англай олиш малакасига эришилади. Бу циклдаги ишларнинг якунловчи тури шахар мухитининг каламтасвири яъни бу борада иншоотнинг табииёт мухити билан узоро богликлиги укувчилар томонидан янги, янада кенгрок куринишда акс эттирилиши лозим. Мисол учун истирохат богидаги павильон булиши мумкин.

Учинчи семестрда янада мураккаброк тематикалар яъни ганч антик моделлар устида ишлаш давом эттирилади. Дастлаб укувчиларга формани кœриш масаласи куйилади. Бу топширикни ганч куйма бошдан бошлаш маъкулрокдир.

Ана шунинг учун аввал бошлаб одам бошининг кисмлари ва бош чаноркнинг бир нечта куриниши ишлаб чикилади. Шундай килиб янада кийинрок иш одам бошини тасвирлашни талабаларга ургатишга тайёрланади. Бундай антик ва классик моделлар куймаларини чизиш каламтасвир санъати малакаларига эга булиш масаласини янада юкори талаб даражасига кутаради. Будан асосий максад уларнинг туларок тугалланилганида ва графикавий форманинг умумий тушунчаларини ривожлантиришдадир. Ишнинг бу погонасида одатда бир неча кораламалар бажариш билан боглик булган узок муддатли каламтасвир машк килинади. Бу йусиндаги методикага амал килиб, талабалар аста-секин меъмор ижодиёти учун жуда мухим принцпларни эгаллай бошлайди. Булар кисмлар билан умумийликнинг чамбарчаслиги, œлчамлилик, масштаблар муносабатлари каби масалалардир. Бу каби мухим сифатлар мукаммал меъморий асарларда мавжуд булиб, бунга улуг устозлар каламтасвир устида сабот билан ишлаб эришишни тавсия этганлар.

Бу борада П.П.Честяков уз талабаларидан: “Камтарин бул, узинга нисбатан талабчан бул, акл иштирокисиз хеч нарса килма, килаётган ишингни яхшилаб англаб олиб унга жавоб беролгин. Юкори микёсидаги асарлар билан узингни таккосла ва уларни нега яхшилигинги фахмлаб ол” деб талаб килар эди.

Бу цикл куйидаги топшириклар билан тугалланиши лозим:
Интерьернинг декоратив ишламидан фрагментал каламтасвир (32 расм), Бу хайкалтарошлик асари (маска сифатида) меъморий мухит билан уйгунлашиб (пешток кулфи, минора шарафаси, гумбази кранштейн детали, кессон элементи, шунингдек, план каламтас вири, фасад, уз проекти преспективасини ишлаш кабилар тавсия килинади. (33 расм).
1. Куйма бош-ганчдан куйилган антик хайкал- бюст.

Талабалар томонидан бундай топширикларни бажариш содда формаларга ишлов берилишдан янада мураккаб тузилишларга утишга чорлайди.

Ана шу жараёнда жонли табиат формаларидан каламтасвир чизиш хам жуда фойдалидир. Табиат мухитидан каламтасвир чизишнинг фойдалилигини П.П.Честяков яхши изохлаган эди. “Табиатда мавжуд бœлган ва кандайдир формага эга булган хамма нарса перспектива конунига буйсунади. Перспектива коидасини куллай олар экансиз, сиз натурадаги бутун харакатсиз нарсаларни тœгри тасвирлай оласиз.”

Бундай ишларда хам кетма-кетлик талаб килинади: Коралама бошланишида алохида гавда, бутоклар ёки бутун дарахт, сунгра бу мавзуни иншоотлар билан боглаш ва композиция таркибига кирувчи кораламага истирохат боги павильони, панжаралар, иншоот фрагментлари, киргок, кичик формалари киритилди.

Каламтасвир саводини узлаштириш масаласини уз ичига олувчи комплексли ишлар билан бир каторда умум бадииёт тушунчасини сингдиришнинг биринчи кисми, туртинчи семестрда якунланади. Бу куп ишлов берилган узок муддатли каламтасвирлар бажариш йули билан тасвирий махоратли мукаммалашда конкрет ифодаланади (ганч куймабош ва анча мураккаб булган, хар хил куринишдаги одам боши). Шунинг билан бирга бу жараёнда одам скелети ва тана кисмлари устида ишлаш хам кузда тутилиши лозим.(тизза, кул панжалар, оёк панжалар ва хоказо). Бу сериядаги каламтасвирларни бажарилиши билан, келгуси ганч ва тирик одам моделлари устида ишлашга тайёргарлик курилади. Келгуси учинчи ва туртинчи курслар семестрларида меъморий мухитлардан каламтасвирлар бажариш вазифалари мукаммаллаштирилади.

Талабалар интерьер ва экстерьерларнинг графикавий ифодалашни пухта узлаштиришлари лозим (37, 38, расм). Бахор пайтлари бу йусиндаги топшириклар шахар манзараларидан бажарилган кораламалар йусинидаги тасвирлар серияларини бажариш билан богланади.

Булар аудитория шароитидаги машгулотида узок муддатли хотирада тасвирлаш усуллари билан янада мустахкамланади. Бундай услуб кузатув таассуротларини мустахкамлайди ва йигилган материаллар асосида композицион каламтасвир яратиш имкониятини тугдиради. Келажакда бу услуб меъморнинг ижодий фаолиятида кенг кулланилади. Ана шунинг учун бу йуналишдаги машгулотларни кулланиши шубхасиз фойдали ва мутахасислик буйича ихтисослашувига мосдир. Бешинчи семестрда машгулотлар ва топшириклар тематикаси одам танаси тасвирига утиш билан боглик булади. Антик ганж хайкаллар гурухининг саралаш хам улар тузилишининг (40расм) мураккаблигига караб танланади. Энг оддий олд томонидан куринишидан мураккабигача, шунингдек, бир неча куринишдан коралама (41расм) ишланади.

1. Натуршик - расмини чизиш учун утказиб кœйиладиган одам.

Ганч моделлардан бажариладиган каламтасвирларнинг асосий максади образ ечимга эришиш, тасвирлаш махоратини ошириш гавда харакатининг

динамик холатини сезиш, унинг ташки пластик хусусийлиги кабиларни узаро боглай олишига каратилиши лозим (41 расм). Шу максадда каламтасвир предмети сифатида анатомик модел одам гавдаси склети билан унинг мушакларининг богланишини яккол курсатувчи муляж чизилади.

Юкорида курсатилган тематикаларга боглик каламтасвирларни бажаришда, меъмор тарбиясига оид жуда мухим масала хал килинади. Бу масала ташки форманинг пластик бирлиги тушунчаси ва унинг ички конструктив мазмуни билан богликдир. Методик жихатдан бу иншоотларнинг узаро богликлиги тушунчасини тугри тушунишни ривожлантиришга имконият тугдиради. (43,44 расм).

Дастурда олтинчи семестр одам коматини (тирик натура) ургатишга ажратилади. Ялонгоч одам коматидан малакали яхши каламтасвир ярата олиш бу келажакдаги бадиий махорат гарови эканлиги хаммага маълумдир. Етарли даражада мохирона ишланган мутахассисона етук каламтасвир, моделнинг эстетик негизини, форманинг конструктив ясалишларини ва уланинг узоро чамбарчаслиги тушунчаларини узида намоён этади. Хар хил холатдаги ялангоч одам комати каламтасвирни уз ичига оладиган ана шу мавзуга оид топшириклар цикли (45расм), формалар пластикаси ва деталларга мураккаб ишлов берилган узок муддатли каламтасвир (46 расм), меъморий мухитда ёки иш кийимидаги, натурадан ишланган каламтасвир (47 расм) меъморнинг касбийлик принцплари билан куроллантиради. Мана шунинг учун хам жонли натурани урганиш хар доим каламтасвир дастурининг алохида диккат манбаи булиб келган ва булаверади. Бундан холи уларок инсон комати хар кандай бино учун масштабли улчамдир. У меъморчиликда улчамларнинг узаро нисбатини белгиловчи сифатида хизмат килади. Укувчилар жонли натурадан чизар экан: пропорцияларни нозикрок ва уткиррок сезишни, форманинг характери, яхлитлиги ва кисмларнинг узаро богликлигини урганa борадилар. Укув каламтасвирлари шу семестрда олдингиларига караганда янада купрок мутахасислак фаолияти билан узвий богликдир. Бу даврда курсий лойихалаштириш буйича, посёлкалар планлаштирилиши билан, шунингдек жамият марказлари ва маданий окартув иншоотлари лойихалаштириш билан боглик булган топшириклар бажарилади. Ана шунинг  учун каламтасвир дастури тематикасига яшаш биноларидан, шахар манзаралари ва табииёт мухитидан коралама ва каламтасвирлар кенгрок (48 расм) киритилади. Уз лойихаси буйича яшаш  биносининг ташки переспектив куринишларига ва унинг интерьердан каламтасвирлар бажарилиши тавсия килинади. (48,49,50 расмлар).

Бу характердаги топшириклар фазовий фикрлашни устиради, тафаккур ва тасвирлаш кобилиятини ривожлантиради. Семестрнинг охирги топшириги узининг курс ишига витраж эскизи устида ишлаш билан якунланади. (51 расм). Уларнинг бажарилиш малакасига эга булиш меъмор учун жуда му-

химдир. Туртинчи боскичда санъатлар ситези билан боглик булган муккамал топширикларни бажаришга тайёргарлик шу йусинда танланади.

Еттинчи семестрда тасвирий махоратни такомиллаштириш йусинидаги ишлар давом эттирилиб, бу борада мурракаб харакатдаги ялангоч ва кийимдаги одам коматидан каламтасвир бажарилади. Форма пластикаларига ва унинг туташма хамда бугинларнинг ясалиш тартиботларини ифодалашга алохида ахамият берилади. (52,53 расмлар). Ана шу йуналишдаги келгуси иш (кийимдаги одам) (54 расм) куйилманинг хусусий шароитига кура унинг уз структураси билан ташки формасини узвийлиги устида иш олиб борилади. Шу семестрда шахар мухитидан (экстерьер ва интерьер) каламтасвирлари устида ишлаш хам давом эттирилади. (55,56 расмлар).

Семестрнинг охирида меъморий лойихалаштириш кафедраси топширигига биноан бажарилаётган лойихага боглик-санъатлар синтези буйича топширик бажарилади. (57 расм).

Сакизинчи семестрда жонли натура устида ишлаш хусусий ахамиятга эгадир. Унинг мохияти шундан иборатки, ялангоч натурадан каламтасвир бажаришда талабалар фигурани бир неча холатидан коралама чизадилар. (58,59,60 расмлар). Бундай ишлаш услубий меъмор — мусаввирнинг ижодий фаолиятининг индивидуаллик томонлари билан боглик,булиб кисман унинг изланиш жараёнида оптимал ечим топиш учун кумак беради. Œзок муддатга мулжалланган каламтасвирда (61,62 расмлар), натура кисимлари формаларига янада аник ишлов берилиши назарда тутилиб,талабаларнинг тасвирий махоратини устиришнинг келгуси погонага кутариш, унинг характерли ва пластик ёркинлигига алохида эътибор берилади. Шунингдек, ана шу семестрда шахар мухитидан каламтасвирлар бажариш топшириги хам куйилиб (63 расм), бунда кузатиш доирасини кенгрок камраб олинишига эътибор каратилади. Саккизинчи семестрнинг охирги топшириги санъатлар синтези буйича иш бажарилади. Бу уз ихтисослиги буйича лойиха иши билан богланиб олиб борилади.(61 расм).

Дастурда тасвирий санъат турларининг умумийлиги принципи алохида урин тутиши лозим. Шунга кура каламтасвир ва композиция етакловчи ахамиятига эга булиши керак.

Меъморий образ яратилишида санъатлар синтезининг роли мухим ахамиятга эга эканлигини меъморчилик тарихидан яккол куриш мумкин.

Иншоот барпо килинишида асосан меъмор ташкилотчи сифатида тан олинади. Курилиш жараёнида у монументал санъатнинг хилма-хил турларидан фойдаланишнинг принципиал масалаларини хал килади. Ана шунинг учун хам у санъат турларининг хусусиятлари билан яхши таниш булиши керак: ранг тасвир, хайкалтарошлик, кулолчилик, мозаика ва хоказо улар хусусиятларини тушуниш ва уз композицион мулжалидан самарали фойдалана олишида тасвирий махорат буйича юкори маданият сохиби булиши лозим. Фасадлар ёки интерьерларни ранг коришмалари билан буяш масалаларини

хал килишда, декоротив панноларини жойлаштириши, шунингдек хилма хил ёритгич курилмаларини ва хоказо макбуллик томонлари хамда улардан кандай тартибда фойдаланишни факат меъмор белгилайди. Бундан ташкари уларнинг технологияси ва кийматлари билан таниш булиши улар берадиган бадиий эффектни олдиндан тасаввур кила олиши керак. Шунга кура санъатлар синтези буйича топшириклар цикли топшириклар комплекси таркибига кириши лозим.

Методик тартибот буйича уларни турт боскичга булиш мумкин. .Биринчиси,- меъмор кидирувчанлик методини етарли даражада эгаллаган булиши , бундан максад муайян бир лойиха мавзусининг композицион мулжали учун санъат турларининг бирор турини шу мавзуга боглай олиши ва унинг роли ва максадларини белгилай олишдан иборат. Бу каламтасвирда композицион эскизлар яратиш жараёнида узининг аник ифодасини топиши керак. Иккинчи боскич монументал композиция эскизи яратилиши жараёнига богликдир. Учинчиси - бирор элемент (фрагмент) бажариш булиб, уйланган композицион мавзунинг амалга оширилишидаги кийинчилик ва шартшароитларни аниклаш билан боглик. Туртинчи боскич - меъморий мухитга мос, ишлаб чикилган кушимча деталларни таклиф килиш билан боглик булади. Бу иншоотлар пештоклари ёйилмаларида, плафонлар, интерьер ёки иморатнинг ташки перспектив куринишида стендлар ва хоказолар сифатида курсатилиши мумкин.

Топшириклар комплексларининг барчаси уз синтезига кура ихтисослик фани буйича бажариладиган лойихасида мулжалланган булиб унинг координацион дастурига амал килиниши лозим. Бу шубхасиз, туртинчи ва бешинчи курсларга тааллукли лойиха ишлари тематикаларига кура, ижтимоий характердаги курилмалар билан богликдир. Юкорида кайд килингандек саккизинчи семестрда бадииёт тайёрлов ишлари тугатилиб куйилмасдан, балки у тугараклар сифатидаги факультатив машгулотлар, ёзги пленер ишлари тарикасида давом этади. Каламтасвир буйича шунингдек барча кушимча иш турлари махсус эътибор талаб килади.

# РАСМ МАШГУЛОТЛАРИ ХОНАЛАРИНИНГ ЖИХОЗЛАНИШИ БУЙИЧА ТАВСИЯ ВА ТАКЛИФЛАР

Рассомчилик бадииёти тарбияси ва яхши дид, каби эстетик мезонларга эришиш факат санъатнинг етук намуналари билан танишиш натижасида эмас, балки тасвирий махоратни ошириш жараёнидаги тиришкоклик билан килинадиган мехнат окибатидагина эришилади.

Расмни урганишда машгулотларни сифатли булиши купгина шарт-шароитлар ташкиллаштирилишига боглик булиб яъни кулай шароит, жихозларнинг мавжудлиги, укув хоналари, хуллас ёш меъмор кириб келган ва тарбияланадиган масканнинг умумий мухитидир.

Укув хоналарининг киёфаси, бинонинг ташки куриниши, уларнинг буялиш сифати ва хоказолар ёш талабанинг тарбиясига ва унинг умумий ривожига ёрдам бериши, унда гузалликка мухаббат туйгусини устиришга кумаклашиши керак.

Меъмор касбининг шаклланишида ана шу каби шароит ва мухитни шай булиши нихоятда катта роль уйнайди.

Бу масалани хал килишда факат техник ва санитария талабларигина кузда тутилган тор утилитар нуктаи-назардан келиб чикиш ярамайди. Булар катта муаммонинг бир кисмисидир холос. Меъмор мутахассислиги тайёрлашда уларни етарли даражада профессионал билим ва куникмаларга эга килишда катор шарт-шароитлар ва талабларга богликдир. Булар натуранинг атрофлича куриниши, мольберт куйиб ишлашда кераклича улчамдаги уринлар натурани табиий ёки сунъий ёритиш имкониятлари, хаво алмашинуви, хонанинг иссик -совуклигини нормал холати каби куплаб талаблардир. Текшириш натижалари шуни курсатадики, деярли 44- Олий укув юртларининг хаммасида юкорида айтилган талабларга жавоб берадиган шароитлар мавжуд эмас. Бу камчиликлар айникса куп факультетли инженерлик курилиш ва политехника ОУЮларга хосдир.

Тажрибалар хулосаларига кура расм машгулотлари утказиладиган хоналар улчамларини белгилашда каламтасвир бажарадиган узига хос, хусусий шароит талабларидан келиб чикиш тавсия килинади.(1-5 чизмалар)

Расм машгулотларининг узига хослиги шундаки, у талабанинг уз устози билан якин мулокотда булишини такозо килади. Шу боисдан улар учун натурани ва бажарилаётган ишларни батафсил кузатиш ва узаро тахлил килиш учун етарли масофа керак булади. Бу тахминий параметрлар факат каламтасвир учунгина булмай балким меъморлар тайёрлаш укув планига киритилган бадииёт циклидаги хамма сохаларга тааллуклидир.

Булардан ташкари, катор хона ва хужралар мавжуд булиши керак. Бадииёт циклидаги фанлар учун укув хоналарни тахминан уч гурухга ажратиш мумкин. (2-жадвал)

Биринчи гурухга синфлар сифатида катор тахсилгох укув хоналари булиб уларда асосан каламтасвир ранг тасвир, хайкалтарошлик машгулотлари утказилиши учун мулжалланади. Бу синф ларда талабалар геометрик жисмлар, ганчдан куйилган классик меъморий кисмлар, натюрмортлар ва конструктив элементлар кабиларни чизадилар.

Иккинчи гурух махсуслашган хоналар сифатидан булиб, унга семестрлар якуни буйича талабалар ишларини экспозиция килиш учун кургазма зали (холл)

киради. Бундай залнинг мавжудлиги катта укув ва тарбиявий ахамиятга эгадир. У шунингдек табиатнинг хар хил фасилларига мансуб жонли формаларини яъни бутоклар, кучирма тувакдаги гуллар, хима-хил усимликлар расм ларини чизадиган жой булиб хам хизмат килади.

Булардан ташкари шу ерда каламтасвир услублари, замонавий техник укув воситалари катта санъат усталарининг асарларидан оладилар, методик фонд ишлари сакланадиган жойлар ва хуллас укувчиларнинг ижод хоналари хам мавжуд булади.

Учинчиси - катор экспериментал укув устахоналари булиб бу ерда амалий санъат материалларга ишлов бериш, металл, шиша, ёгоч кабилар билан ишлаш учун (монументал ранг тасвир, декоратив хайкал, керамика ва мозаика, рангли цемент) хоналардир.

Меъморларни бадииётга тайёрлов сохасидаги куп йиллик укув тажрибалари шуни курсатадики, меъморий -курилиш олийгохи шароитида 30-талабага мулжалланган трансформацияланувчи махсус аудиториялар мавжуд булиши, керак. Унинг тузилиши вариантларидан бири 1-4 чизмаларда курсатилган.

Бундай галати укув хонасининг яратиш гоясини тугилиши рассомнинг тасвирий манбаси билан узаро богланиш заруратидан келиб чикади. Уз урнида бу ижодкорниннг ижодиётида мухим ахамият касб этади.

Натурадан расм чизувчи ва натура оралиги оптимал масофада яъни яхши куриниш, мураббий билан мулокотни кулайлиги, ёритгич ускуналарининг кераклича харакатга келтириш, постановка ва моделнинг кулай томонга бурилиши ва хоказо каби талаблар кузда тутилиши жуда мухимдир.

Тавсия этилган куп киррали доиравий зал вариантида кулайлик яратиш билан боглик булган купгина пазициялар буйича талай масалалар керакли натижалар беради.

1. Уринлар амфителатрдагидек рационал тартибда жойлашади. Талабанинг объектни кузатув алокаси кискарок таъминланади. Постановкалар учун сарфланаётган смета харажатлари камаяди, моделлар ва экспозиция килинадиган материаллар учун майдон рационал фойдаланилади. (1-чизма) Кузатувлар хулосаларининг курсатишича каторлар оралиги, мураббийнинг иш юритишини хам хисобга олганда камида 1, 10м булиши керак. Укувчининг мольберти ва стулини кузда тутган холда хар бир уриннинг эни 1,20м булиши керак. Ана шу норматив талабларига кура кайд килинган талабалар сони учун 125-150 м$^2$ (1-4 чизма) майдон керак булади.

2. Планга кура доиравий, амфитеатр шаклида булган бу курилма кераклича баландлик хосил килиш имконни хам беради. Бу эса олдинда œтирган укувчи оркадагисига халакит бермайдиган вазиятни тугдирди. Бундан ташкари укувчи уз ишини бошкаларга халакит бермасдан керакли масофада кузата олади.

3. Уринларнинг керакли баландликда погона-погона жойлашуви унинг паст томонида доиравий шаклдаги хона ташкил булишига имкон беради. Бу ганч куйма хайкал моделларини саклайдиган омборхона сифатида хам хизмат килади.

4. Бурчакларида формаси жихатдан учбурчак сифат ташкил булган кенглик жихозланиб доимий постановкалар куйилади хамда улар хар хил интерьерлар ва уларнинг фрагментлари сифатида фойдаланилади. Буларда йил фаслларига мос

микроландшафтлар ташкиллаштириш (тувакларда устирилган кучма усимлик-лар) мумкин.

5. Расм залини умумий хамда алохида нукталарга бошкарилган махсус суний ёритгичлари билан жихозланиши катта ахамиятга эга. Укув - методикаси талабларига кура ёритгичларни хилма хил урнатилиш зарурати тугилади. Улар бир марказдан, фронтал, ёки ён томонлардан, баланддан ва пастги лампалардан каратилади. (3-4 чизмалар)

6. Расм зали интерьерининг ранги яъни деворлари, плафони, шифти ва жихозлари уткир рангли булмаслиги керак. Унинг умумий колорити ахроматик гармонияда (оч яшил-кулранг) булиши макулдир. Бу тасвирий объектга диккатни жалб этилишига олиб келади. Хоналар гурухларининг узаро богликликларини яъни бинонинг структурасига биноан умумий богланиш катта ахамият касб этади.

Бу тавсиялар рассомчилик бадииёти билан боглик булган бошка укув юртларида хам кулланилиши мумкин. Тавсия килинган бундай курилма албатта янги, янада мукаммалрок таклифлар билан бойитилиши мумкин.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

